

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2022-5/4**

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

**Хива-2022**

<b>Rasulova M.A.</b> Sociolinguistic aspect of the normativity of the modern English language .....	127
<b>Ro'ziyeva J.E.</b> Nemis tilida modallikni ifodalovchi leksik vositalar .....	129
<b>Shirova M., Rakhimova Yu.</b> The problem of bilinguality in Germany .....	131
<b>To'yboeva Sh.R.</b> O'zbek va fransuz sistem tilshunosligida sodda gap qurilishi talqini .....	134
<b>Umarova M.U.</b> Phraseology of the English language .....	137
<b>Yusupova Z.K.</b> Methodology for monitoring educational activities in distance learning of a foreign language .....	140
<b>Zayniyeva H.Sh., Qadirova R.J.</b> Badiiy tarjimalar pragmatikasining o'ziga xos xususiyatlari talqini .....	143
<b>Камалов У.А.</b> Лексические средства выражения оптативной модальности в русском и узбекском языках .....	145
<b>Каримова Ж.Ш.</b> Фразео - синонимический ряд и проблема доминанты .....	148
<b>Очилов У.С.</b> Абдулла Қодирийнинг “Обид Кетмон” кассаси - коллективлаштиришни ўзгача талқин қилган асар .....	151
<b>Рахимова С.Ж.</b> Ибораларда кўп маънолилик шакллари .....	154
<b>Садуллаев Ф.Б.</b> Равишнинг бир даража кўрсаткичи хусусида .....	157
<b>Турдалиева Д.С.</b> Паремиялар нутқий ҳаракатлар сифатида .....	159
<b>Усмонова З.Х.</b> Стивен Кингнинг “Ўлик минтақа”(“Dead zone”) асарида «the laughing tiger» образ талқини .....	161
<b>Хусанова М.А.</b> Поэтик асарда риторик сўроқ гапларнинг экспрессив имконияти .....	165
<b>Чориева М.М.</b> Чет тилни ўрганиш жараёнида маданиятлараро алоқаларнинг ўрни .....	167
<b>ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b>	
<b>Kasimova M.B.</b> Nofilologik oliy o'quv yurti rus tili darslari jarayonida talabalarning faollik darajasini oshirishni takomillashtirish .....	170
<b>Nurutdinova M.S.</b> Oliy o'quv muassasalari talabalariga o'zbek tili sohada qo'llanilishi fanining ahamiyati .....	172
<b>Burxonova G.M.</b> Milliy guruhlarda rus tilini o'qitishda talabalarning nutq qoliyatlarini takomillashtirish .....	175
<b>Alibekova R.X.</b> Rus tili darslarida ta'lim texnologiyalaridan foydalanishining shakllanishini takomillashtirish .....	177
<b>Egamnazarova Z., Ne'matova N.M.</b> Animatsion yondashuv asosida talabalarga rus tili o'qitishning metodikasi va texnologiyasi .....	180
<b>Mamedova N.Z.</b> Nofilologik oliy o'quv yurtlarida rus tilini mutaxassislik sohalari bo'yicha o'qitishning muamolari .....	182
<b>Rizaeva K.</b> Modern technology in the teaching foreign language .....	185
<b>Nasretdinova F.N.</b> Innovative technologies of professional training .....	187
<b>Djumaniyazova E.Q.</b> The effectiveness of innovative educational technologies in the study of foreign languages .....	190
<b>Umarova F.N.</b> Features of the formation and development of communicative competence in the study of a foreign language among students of a technical university .....	193
<b>Berdiyeva M.X., Mavlonova M.U.</b> Developing student's creative activity based on an integrative approach .....	195
<b>Алленова И.В., Ташева У.Т., Цигулева М.В., Данилина Ю.С.</b> Возможности применения технологии веб-квеста в преподавании русского языка .....	198
<b>Базарова Н.Ш.</b> Методы применения инновационных образовательных технологий на уроках русского языка .....	200

**РАВИШНИНГ БИР ДАРАЖА КЎРСАТКИЧИ ХУСУСИДА**  
**Ф.Б. Садуллаев, катта ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро**

**Аннотация.** Мазкур мақолада сифат ва равишлар, уларнинг хусусиятлари таҳлилга тортилган. Мақолада равишлар ва сифатлардаги орттирма даража кўрсаткичлари предмет, нарса-ҳодиса ва ҳаракатдаги белгининг меъёрдан ортиқ даражада эканлигини ифодалашга хизмат қилиши таъкидланади. Таҳлиллар яна шу нарсага ишора қиладики, “энг” равишининг қўлланиши ҳамма вақт бир хилда қолиб кетмайди. У вазиятга қараб ўзида янги стилистик имкониятларни намоён эта олади.

**Калим сўзлар:** сифат, равиш, хусусият, орттирма, даража, белги, предмет, ифодаламоқ, энг, стилистик имконият, ситуация.

**Аннотация.** Следующая статья посвящена анализу прилагательных и наречий, их особенностям. В статье указано, что превосходная степень прилагательных и наречий служит для обозначения того, что признак предмета, события и действия выше нормы. Анализ показывает, что эти индикаторы уровня используются больше в прилагательных, чем в наречиях. В этой статье мы обсудим одно из таких наречий — самый. Анализ указывает на то, что применение «самый» не всегда остается одним и тем же. Он может демонстрировать новые стилистические возможности в зависимости от ситуации.

**Ключевые слова:** прилагательные, наречия, особенность, превосходный, степень, признак, предмет, обозначать, самый, стилистический возможность, ситуация.

**Abstract.** The following article is devoted to the analysis of adjectives and adverbs, their peculiarities. In the article it is stated that the superlative degree of adjectives and adverbs serves to indicate that a sign of an object, event and action is above the norm. Analysis show that these level indicators are used more in adjectives than in adverbs. In this article, we will discuss one of these adverbs -the most. Analysis points out that the application of “the most” does not always remain the same. It can demonstrate new stylistic possibilities depending on the situation.

**Key words:** adjectives, adverbs, peculiarity, superlative, degree, sign, object, indicate, the most, stylistic possibility, situation.

**Кириш.** Равишлар ва сифатлардаги орттирма даража кўрсаткичлари предмет, нарса-ҳодиса ва ҳаракатдаги белгининг меъёрдан ортиқ даражада эканлигини ифодалашга хизмат қилади. Таҳлиллар ушбу даража кўрсаткичларининг сифатларда равишларга қараганда кўп қўлланишини кўрсатади. Равишларни кўрсатишда эса кам учрайди. «Бу даража, - деб қайд этилади «Ўзбек тили грамматикаси»да – равиш олдидан энг, жуда, зоят(да), ниҳоят(да) каби кучайтирув равишларини келтириш орқали ҳосил қилинади» [2,540]. Шу мазмундаги фикрлар С.Фузаилов томонидан ҳам баён қилинган: «Орттирма даража оддий даражаги равиш олдига махсус сўз қўйиш – энг, жуда, зоят, ниҳоятда равишларини келтириш билан ясалади. Бундай равишлар ҳаракат белгисининг нормал даражадан ортиқ эканлигини билдиради» [1,15].

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили** Ушбу мақоламизда бу равишлардан бири – энг ҳақида фикр юритамиз. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» да энг элементиға қуйидагича таъриф берилган: «Сифатларда орттирма даража ҳосил қилувчи сўз (баъзан сифатлашган бошқа сўз туркумлари ёки отлашган сифатлар билан ҳам келиши мумкин» [3,447]. Луғатда сўзнинг вазифаси ҳақидаги таъриф етарли эмасдай кўринади. Унинг равишлар билан бирга кела олиши ҳам эътибордан четда қолиб кетган. Аммо унинг равишлар билан биргаликда келиш масаласи мунозара талаб эмас, балки аниқдир.

**Тадқиқот методологияси** Юқорида билдирилган масала юзасидан бир қатор тилшунослар фикр билдиришган. Биз ҳам асарлардан келтирилган парчалар мисолида таҳлилға тортамиз ва фикрларимизни баён этамиз. Қуйидаги мисолларға эътиборимизни қаратамиз: *Шарановский овоз келган томонға кескин бурилиб қаради. Кичкина залнинг энг охирида беи-олтита маҳаллий элат вакиллари кўзға ташланар, улар энг орқада аллақандай*

қисиниб, гўё шерлар даврасига тушиб қолган қуёнлардай қимтиниб ўтиришар, олазарак кўзларида гуноҳкорларча ифода шундоқ акс этиб турарди (Адолат манзили). Энг элементининг гап мазмунига таъсирини аниқлаш учун уни гапнинг тушириб қолдирилган варианты билан қиёслаб кўрамиз: *Шарановский овоз келган томонга кескин бурилиб қаради. Кичкина залнинг охирида беш-олтита маҳаллий элат вакиллари кўзга ташланар, улар орқада аллақандай қисиниб, гўё шерлар даврасига тушиб қолган қуёнлардай қимтиниб ўтиришар, олазарак кўзларида гуноҳкорларча ифода шундоқ акс этиб турарди* (Адолат манзили). Хар иккала гапда ҳам фикр тўлалигича ифодаланган. Маҳаллий миллат вакилларининг қаерда ўтирганлигини орқада, охирида сўзларидан ҳам, энг орқада, энг охирида биркималаридан ҳам бир хилда тушуна оламиз. Англашимизча, асар муаллифи учун маҳаллий миллат вакилларининг қаерда ўтирганлигини аниқ кўрсатиш заруратидан ҳам муҳим жиҳат бор, бу – уларнинг айна вазиятдаги руҳий ҳолати, адолатсизлик, ҳуқуқсизлик, шафқатсизлик олдидаги ожизлигини бериш эҳтиёжи. Агар ёзувчи учун фақат уларнинг ўтирган ўрнини айтиб қўя қолиш мажбурияти бўлганда эди, биз равишни тушириб қолдирган вариант ҳам муллифни қаноатлантирган бўлар эди. Лекин қайд этилган тасвир эҳтиёжи яна қандайдир тил воситалари орқали руҳий ҳолатни кучайтириб беришга ундайди ва бунда унга равишларнинг ёнма-ён қўлланиши қўл келади. Энг айнан ана шу вазифани бажарган. Шунинг учун ҳам унга оддий бир тил элементи сифатида қараш тўғри эмас. Бу адибнинг тасвир услубидаги нозик жиҳатлардир. Энг элементининг стилистик вазифа бажараётганини яна бир мулоҳаза билан исботлаш мумкин. Залда орқада ўтирганларнинг юқорида қайд этганимиз руҳий ҳолатини кичкина залнинг охирида беш-олтита маҳаллий элат вакиллари кўзга ташланар, улар орқада аллақандай қисиниб, гўё шерлар даврасига тушиб қолган қуёнлардай қимтиниб ўтиришар, олазарак кўзларида гуноҳкорларча ифода шундоқ акс этиб турарди гапидан ҳам англаш мумкин. Агар охирида, орқада равишларидаги о га урғу берилиб, чўзиб талаффуз этилса, бу кутилган маънонинг англанишига хизмат қила олади. Лекин масаланинг қийинчилиги шундаки, гап ёзма матнда берилмоқда. Биз қайд этган сўзлардаги о ни қандай талаффуз қилиш-қилмаслик ўқувчининг ихтиёрида бўлади, биров буни англайди, бошқаси буни англамаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам ёзувчи энг равишини қўллаш билан бу каби мувҳум ва баҳсталаб ўринларга ҳожат қолдирмайди. *Мана шуларнинг ҳаммасига суялиб, домла бу таклифнинг остида мутлақо Салимхоннинг манфаати ётади, деган хулосага келди. У энг кейинда шумшайиб ўтирди, сўзга ҳам чиқмади* (А.Қаҳҳор) гапи ҳақида ҳам шу каби фикрларни баён қилиш мумкин.

**Таҳлил ва натижалар** Таҳлиллар яна шу нарсага ишора қиладики, энг равишининг қўлланишидан ҳамма вақт бир хилда қолиб кетмайди. У вазиятга қараб ўзида янги стилистик имкониятларни намойиш эта олади. Масалан, *Мана, бор-йўғи беш-олти қабрдан иборат кичик гўристон! Отасининг қабри энг юқорида, тарвақайлаб ўсган иккита кекса арча ўртасида. Маржонийнинг тилаги билан ёнида унга ҳам жой қолдиришган* (Адолат манзили) матнидаги энг нинг вазифаси нимадан иборат бўлганлигини англашга ҳаракат қилайлик. *Яна уни тушириб қолдирамиз: Мана, бор-йўғи беш-олти қабрдан иборат кичик гўристон! Отасининг қабри юқорида, тарвақайлаб ўсган иккита кекса арча ўртасида. Маржонийнинг тилаги билан ёнида унга ҳам жой қолдиришган* (Адолат манзили). Гапдан қабрнинг юқорида бир жойда эканлигини, тарвақайлаб ўсган иккита кекса арча ҳам ўша ерда эканлигини англаймиз. Лекин фақат шугина ёзувчининг муддаоси эмас. У қабристон ичида қабр жойлашган қаерда жойлашганлигини аниқ кўрсатмоқчи, бу вазифани у фақат энг сўзи ёрдамида удалай олган.

Ушбу сўздан ҳаракатнинг белги-хусусиятини таъкидлаб кўрсатиш мақсадида ҳам фойдаланилади: *Буларнинг ичида энг яхшиси ҳовлида оиланинг сонини кўпайтириш ва уй бузилганда, ҳукуматдан оила аъзолари сонига яраша жой талаб қилиш эди* (Адолат манзили). Агар энг олиб ташланса бу оттенка сусаяди: *Буларнинг ичида яхшиси ҳовлида оиланинг сонини кўпайтириш ва уй бузилганда, ҳукуматдан оила аъзолари сонига яраша жой талаб қилиш эди* каби.

Энг сўзининг алоҳида ажратиш кўрсатиш оттенкаси мана бу мисолда яққол намоён бўлган: *Хўш, — деди Петька, — энг яхши ишлаб турган батарея кўзсиз қолдимми?* (Адолат

манзили). Гапдан бу сўз олиб кўйилса мазмун ҳам ўзгаради: Хўш, — деди Петька, — яхши ишлаб турган батарея кўзсиз қолдими? Ундан гап битта батарея ҳақида кетаёганлиги англашилади. Энг яхши ишлаб турган батарея дейилса, батарея бир нечтаю, улардан биттаси жуда яхши ишлайди ва ана шу батарея назарда тутилаётган бўлади. Демак, бу ўринда ҳам энг элементи стилистик вазифа бажаради. Бир неча кишидан ажратиб кўрсатиш оттенкаси мана бу мисолда ҳам англашилади: *Унинг тақдири ҳақида энг некбин бўлган Ҳайдар Ҳожжи энди бадбинликка тушиб хатлар ёзарди* (Адолат манзили).

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, “энг” равиши ҳар доим ҳам бир хил қўлланмайди. У муаллиф қўллаётган вазиятга қараб ўзида турли стилистик имкониятларни намойиш этади.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Асадов Т.Х. Сўз туркумлари тизимида равиш: Филол.фан.номз. ...дис.автореф. – Тошкент, 2009.
2. Асадов Т.Х. Сўз туркумлари тизимида равиш. – Тошкент: Мухаррир, 2010.
3. Фузаилов С. Ўзбек тилида равишлар. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар.- Тошкент: Фан, 1953.
4. Муҳаммаджонов К. Ўзбек шеваларида равиш (Тошкент область группа шевалари материаллари асосида) // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975.
5. Мўминова М. Равиш ҳоли ҳақида баъзи бир мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1963.-№6.
6. Мўминова М. Равиш ҳолининг равишдош формалари билан ифодаланиши / Самарқанд Давлат университети ўқитувчи ва профессорларининг 1966 йилги XXIV илмий конференциясининг материаллари. Филология серияси. – Самарқанд, 1969.
7. Ўзбек тили грамматикаси, I том, Морфология. – Тошкент: Фан, 1975.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II том. – М.: Рус тили, 1981.

### УЎК 808.3

#### ПАРЕМИЯЛАР НУТҚИЙ ҲАРАКАТЛАР СИФАТИДА

*Д.С. Турдалиева, PhD, ҚДПИ докторанти, Қариш*

**Аннотация.** *Ушбу мақолада мақол-матал тоифали паремияларнинг прагматик функциялари, паремиялар ва улар ҳақидаги тилшуносларнинг назарий хулосалари баён этилган. Шу жумладан, огоҳлантириш функцияли мақолларнинг прагматик хусусиятлари мисоллар асосида ёритиб беришга ҳаракат қилинган.*

**Калит сўзлар:** *паремия, фразеология, дискурс, мақоллар ва маталлар, ҳикматли сўзлар, латифалар, лофлар, дуолар, ҳикоятлар, эртактлар, мифлар.*

**Аннотация.** *В данной статье описываются прагматические функции пословичных паремии, теоретические выводы лингвистов о них, в том числе прагматические особенности пословиц с предупредительной функцией.*

**Ключевые слова:** *паремия, фразеология, дискурс, пословицы и поговорки, мудрые изречения, анекдоты, похвалы, молитвы, рассказы, сказки, мифы.*

**Abstract.** *This article describes the pragmatic functions of proverbial paremia, the theoretical conclusions of linguists about them, including the pragmatic features of proverbs with a warning function.*

**Keywords:** *paremia, phraseology, discourse, proverbs and sayings, wise sayings, anecdotes, praises, prayers, stories, tales, myths.*

**Кириш.** Гарчи фразеология “узунасига ҳам, кўндалангига ҳам” семантика, этимология, синтаксис, мотивлашганлик даражаси ва бошқа жиҳатдан ўрганилган бўлса ҳам, назаримизда унга таалуқли бирликлар прагматикаси соҳасида жуда кенг бўшлиқ қолдирилган. Шуниси ҳайратланарлики, фразеологизмларнинг баъзи шакллари, айнан, мақолли-матал тоифали паремиялар огоҳлантириш, рағбатлантириш, далда бериш, фош этиш, ишонтириш ва шунга ўхшаш нутқий ҳаракатларнинг шакллантирилган амалиялари бўлади. Агарда, фразеологиянинг прагматик йўсини ҳақида гап борадиган бўлса ҳам, бу ҳолда унинг маъносида фразеологизмларнинг фақат эмоционал-ҳиссий ва экспрессив-баҳоловчи тавсифлари тушунилади.

**Мавзунинг долзарблиги ва ҳозирги ҳолати.** Бу қолипчанган иборалар, ҳеч бўлмаса кўп жиҳатлардан ахборот билдирмаслиги боис, айна тахмин ҳаққоний эмаслигини